

[«HTTPS://WWW.INSTAGRAM.COM/APAY.UZ/»](https://www.instagram.com/apay.uz/)

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҒИДА ФАОЛЛИК УЧУН ЭЛЕКТРОН APS ВА ҚИММАТЛИ СОВРИНЛАР

### ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ

### ҚОИДАЛАРИ

#### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Қоидалар [«https://www.instagram.com/apay.uz/»](https://www.instagram.com/apay.uz/) ижтимоий тармоғида «Фаоллик учун APS бонуслари» танловни ташкил этиш ва олиб боришни тартибга солади. (бундан кейин ушбу Қоидаларнинг матни бўйича – “Танлов”). Танлов лотерея ҳисобланмайди, таваккалчилик элементларини ўз ичига олмайди, фойда ёки бошқа даромад олиш мақсадини кўзламайди ва мазкур Қоидаларга мувофиқ ўтказилади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2021 йил 9 январдаги 21-сонли Лицензияси асосида тўлов ташкилоти мақомига эга, тўлов ташкилотлари реестрида рўйхатдан ўтган, «А-Рау» электрон пул тизимининг оператори [ООО «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION»](#) Танлов ташкилотчиси (кейинги ўринларда Ташкилотчи) ҳисобланади. Ташкилотчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Қоидаларга амал қилади. Танловни максимал даражада самарали ўтказиш мақсадида Ташкилотчи бошқа шахсларни Танловни ташкил этиш ишларига жалб қилиши мумкин.

1.3. Танлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2023 йил 12 июнь соат 11.00 дан (Тошкент вақти билан) 2023 йил 10 июль соат 16.00 гача (Тошкент вақти билан) бўлган даврда ўтказилади. Танлов қоидалари билан Ташкилотчининг <https://a-pay.uz> сайтида тўлиқ танишиш мумкин.

1.4. Танловда иштирок этиб, Танлов Иштирокчилари ушбу Қоидаларни тўлиқ қабул қиладилар ва уларга розилик билдирадилар. Танловда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

1.5. Танлов Ташкилотчининг Instagram ижтимоий тармоғидаги расмий саҳифасида [www.instagram.com/apay.uz/](https://www.instagram.com/apay.uz/) (бундан кейин матнда – “Ҳамжамият”) манзилида ўтказилади.

1.6. Танловда иштирок этиш бепул ва кафолатланган Совринларни олиш ҳуқуқини бермайди.

1.7. Соврин жамғармаси Танлов Ташкилотчиси маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

1.8. Танлов «А-Рау» электрон пул тизими машҳурлигини ошириш мақсадида ўтказилади.

#### 2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган, унинг ҳудудида яшовчи ҳар қандай 18 ёшга тўлган муомалага лаёқатли жисмоний шахс Танловда иштирок этишга ҳақли.

2.2. Ташкилотчининг ходимлари ва вакиллари Танловда иштирок этишлари мумкин эмас.

2.3. Қоидаларда кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган шахслар Танловда қатнашиш ва Танлов Совринларини олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

2.4. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган маълумотлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун Танлов Иштирокчиси жавобгардир. Танлов Иштирокчиси Танловда иштирок этиш билан боғлиқ ўз ҳуқуқларини учинчи шахсга ўтказиш ва/ёки бирон-бир тарзда топширишга ҳақли эмас.

2.5. Танлов иштирокчилари Instagram ижтимоий тармоғида рўйхатдан ўтиш ва ундан фойдаланиш қоидалари билан таниш эканликларини тасдиқлайдилар.

2.6. Қоидаларга ўзгартиришлар киритилган ёки танлов муддатидан олдин тугатилган тақдирда, тегишли маълумотлар Ташкилотчининг расмий веб-сайти ва Ҳамжамиятда жойлаштирилади. Танлов Ташкилотчиси Танлов қоидаларини ушбу Қоидаларда кўрсатилмаган қўшимча воситалар (флаерлар, нашрлар ва бошқалар) орқали ҳам Иштирокчиларга етказиши ва Танловда иштирок этишга таклиф қилишга ҳақли. Танлов ҳақида қисқача маълумотни Ҳамжамиятнинг янгиликлар тасмасида ҳам топиш мумкин.

2.7. Танловда иштирок этиш факти шуни англатадики, Танлов Иштирокчиси Танловда қатнашган ёки ғалаба қозонган тақдирда Танловда иштирок этиш муносабати билан тайёрланган материаллар, шу жумладан, шахсий маълумотлар (тўлиқ исми-шарифи), фотосуратлар, видеоёзувлар ва интервьюлар Танлов Ташкилотчиси томонидан оммавий ахборот воситаларида (босма нашрлар, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда) реклама мақсадларида эълон қилинишига сўзсиз розилигини билдиради ва бунинг учун қўшимча ҳақ талаб қилмайди.

### 3. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Иштирокчи Танловда қатнашиш учун Instagram.com ижтимоий тармоғида шахсий akkaунтига эга бўлиши лозим.

3.2. Танлов иштирокчиси бўлиш учун:

3.2.1. Ташкилотчининг <https://www.instagram.com/apay.uz/> манзилидаги instagram.com даги саҳифасига обуна бўлиш;

3.2.2. Ташкилотчининг Танлов постига лайк босиш;

3.3. Ташкилотчининг Танлов пости остидаги шарҳларда учта дўстни белгилаш (тасодифий фойдаланувчилар, мульти-аккаунтлар, бренд, дўкон саҳифалари ва шунга ўхшаш саҳифалардан ташқари).

3.3. Танлов Иштирокчиси Танлов муддати давомида Instagram.com ижтимоий тармоғи обуначиси бўлиб қолиши шарт.

3.4. Танлов Иштирокчиси Ташкилотчи томонидан Иштирокчининг Танлов шартларига мувофиқлигини текшириш учун Танлов давомида Instagram.com ижтимоий тармоғидаги ўз саҳифасини кўриш ҳуқуқини очиб қўйиши керак.

### 4. ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ШАРТЛАРИ

4.1. Шахснинг Танлов талабларига жавоб бермаслиги ва/ёки шахс томонидан Қоидаларда белгиланган талабларни бажармаслиги.

4.2. Танлов шартларига кўра дўстларни белгиламасдан шарҳ қолдириш Иштирокчи мақомига эга бўлиш ҳуқуқини бермайди.

4.3. Иштирокчи томонидан ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда Танловда иштирок этиш учун [instagram.com](https://www.instagram.com) ижтимоий тармоғида рўйхатдан ўтишда долзарб бўлмаган (тасдиқланмаган) ва (ёки) ноаниқ (нотўғри) маълумотларнинг тақдим этилиши, кейинчалик долзарб бўлмаган (тасдиқланмаган) ва (ёки) ноаниқ (нотўғри) маълумотларнинг тақдим этилиши ёки умуман тақдим этилмаслик билан тенглаштирилади. Иштирокчининг Ташкилотчи томонидан талаб қилинган қўшимча маълумотларни тақдим этишни рад этиш тўғрисидаги баёноти, бу шахснинг Ташкилотчи томонидан Танлов иштирокчиларига қўйилган талабларга мувофиқлигини текширишга имкон бермайди.

4.4. Танлов иштирокчисининг ёпиқ саҳифаси.

4.5. Битта аъзо томонидан битта ижтимоий тармоқда бир нечта akkaунтлардан фойдаланиш.

4.6. Алдаш йўли билан Танлов Иштирокчилари саҳифага қўшилиш (қасддан ёлғон маълумот бериш).

4.7. Ёлғон, фирибгарлик ҳаракатларини амалга ошириш, шу жумладан Танловда иштирок этиш учун ҳар қандай автоматлаштирилган ёки махсус ташкил этилган тизимлардан фойдаланиш (жумладан, лайк алмашиш ва танловни автоматик равишда репост қилиш учун иловалар ва бошқалар).

4.8. Ташкилотчи сабабларини тушунтирмасдан, ўз адолат туйғусига таянган ҳолда, Иштирокчининг танловда иштирок этишига рухсат бериш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

## 5. ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ

5.1. Танлов ғолибларини аниқлаш махсус хизмат – рандомайзер ёрдамида амалга оширилади.

5.2. Танлов Иштирокчилари ўртасидаги совринлар ўйини ҳар душанба куни (12.06.2023 й., 26.06.2023 й., 03.07.2023 й., 10.07.2023 й.) жонли эфирда соат 11:00 гача бўлиб ўтади.

5.3. Ҳар ҳафтада Танлов Иштирокчилари орасидан 3 (уч) нафар Танлов ғолиби аниқланади.

5.4. Танловнинг ҳар бир ғолиби қуйидаги совринларни олади:

1-ҳафта 12.06.2023 й:

1-ғолиб: Техникумда ўқиш учун 1 дона Сертификат + 1 дона **Boylik** худиси

2-ғолиб: 1 дона **Boylik** худиси

3-ғолиб: 1 дона **Boylik** худиси

Савол-жавоб ғолиби: 50 000 сўм

2-ҳафта 26.06.2023 й:

1-ғолиб: Cash back Футболкаси + Бананка

2-ғолиб: Cash back Футболкаси + Бананка

3-ғолиб: Cash back Футболкаси + Бананка

Савол-жавоб ғолиби: 50 000 сўм

3 ҳафта 03.07.2023 й:

1-ғолиб: Рўмол + Шоппер

2-ғолиб: Рўмол + Шоппер

3-ғолиб: Рўмол + Шоппер

Савол-жавоб ғолиби: 50 000 сўм

4 ҳафта 10.07.2023 й:

1-ғолиб: Cash back Футболкаси + 100 000 сўм

2-ғолиб: Cash back Футболкаси + 100 000 сўм

3-ғолиб: Cash back Футболкаси + 100 000 сўм

Савол-жавоб ғолиби: 50 000 сўм

«А-Рау» Электрон пул тизимидаги Электрон пул миллий валютага тенг (1 APS = 1 сўм)

5.5. Ғолиблар аниқлангач, натижалар бир кун ичида алоҳида нашрда эълон қилинади. Танлов Иштирокчилари Ташкилотчи томонидан эълон қилинган/юборилган хабарларни мустақил равишда кузатиб борадилар, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, Иштирокчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги Ҳамжамиятлари ва шахсий akkaунтларида Танловнинг бориши, унинг натижалари тўғрисида билдиришномалар мавжудлигини, ўзгаришлар, Совринларни олиш ва улардан фойдаланиш шартлари текшириб боради. Ташкилотчи томонидан юборилган/жойлаштирилган/эълон қилинган хабарлар билан ўз вақтида танишиб бориш масъулияти Иштирокчи зиммасига юкланади.

5.6. Совриндан фойдаланиш учун Ғолиб Танловда ғалаба ҳақидаги хабар Ташкилотчи томонидан эълон қилинган/юборилган кундан бошлаб 20 (йигирма) календарь кун ичида А-Рау электрон пул тизимида рўйхатдан ўтиши ва ўзини идентификация қилиши керак. А-Рау электрон пул тизимида рўйхатдан ўтиш ва идентификация қилиш Ташкилотчининг Совриндан фойдаланиш имконияти кафолати ҳисобланади. Ғолибга Совриндан фойдаланиш шартлари тўғрисида барча керакли маълумотларни юбориш Соврин Ғолибга топширилганлигини аниқлатади.

5.7. Танлов Ташкилотчиси Иштирокчи томонидан тақдим этилган нотўғри маълумотлар учун жавобгар эмас. Танлов Ташкилотчиси Ғолиб билан ижтимоий тармоқ орқали боғлана олмаган ва Ғолиб 20 (йигирма) календарь кун ичида мустақил равишда Ташкилотчи билан боғланмаган тақдирда, Соврин талаб қилинмаган деб топилади ва Ташкилотчи уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этади. Танлов Ғолиби Ғолиб деб эълон қилинган кундан эътиборан 20 (йигирма) календарь кун ичида «А-Рау» электрон пул тизимида рўйхатдан ўтмаса, Ғолибнинг соврини бекор қилинади.

5.8. Агар Ғолиб совриндан бош тортса, ижтимоий тармоқлар орқали Ташкилотчига ўз тўлик исми ва совринни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хабар ёзиши керак. Бундай ҳолда, Ғолибнинг соврини бекор қилинади.

5.9. Совринни алмаштириш, ўзгартириш ёки унинг пул эквивалентини олиш мумкин эмас.

## 6. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТГА ИШЛОВ БЕРИШ

6.1. Танловда иштирок этиб туриб, Иштирокчи Ташкилотчига автоматлаштирилган, шунингдек, автоматизация воситаларидан фойдаланмаган ҳолда олинган шахсий маълумотларига ишлов берилишига, жумладан, тўплаш, тизимлаштириш, йиғиш, сақлаш, аниқлик киритиш (янгилаш, ўзгартириш), фойдаланиш, эгасизлантириш, блоклаш, йўқ

қилиш; шунингдек, Танловда иштирок этиши муносабати билан тайёрланган сурати, видеотасвири ва интервьюсига қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда шахсий маълумотларини (фамилияси, исми, шарифи, сурати, яшаётган шахри) Ташкилотчининг сайтида ва ижтимоий тармоқларида ишлатиш ва нашр этишга ўзининг сўзсиз розилигини билдиради. Шахсий маълумотларга ишлов бериш ва топширишдан мақсад: танловда иштирок этишдан иборат. Қайд этилган келишув Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, Иштирокчининг қўшимча розилигини олмаган ва унга бунинг учун қандайдир ҳақ тўламаган ҳолда белгиланадиган кўрсатилган маълумотдан иборат тегишли ахборот ёки хужжатларни сақлаш муддати тугагунига қадар амал қилади. Келишув Иштирокчи томонидан ташкилотчининг манзилига ёзма даъво жўнатиш йўли билан чақириб олинishi мумкин.

6.2. Шахсий маълумотларга ишлов беришга розилик танлов Иштирокчиси томонидан муддатсиз берилади. Иштирокчиларнинг шахсий маълумотларидан Ташкилотчи ёки Ташкилотчи танлов ўтказилиши муносабати билан фақат танловга алоқадор мақсадлар учун жалб қилган учинчи шахслар фойдаланади.

6.3. Ижтимоий тармоқлар алоқанинг ва кишиларни излашнинг универсал воситаси ҳисобланганлиги сабабли ижтимоий тармоқ профили эгаси нашр этадиган айрим маълумотларни яшириш учун очик ҳисобланиб, бу билан Иштирокчи ижтимоий тармоқда унинг ишлаш қоидаларига кўра, рўйхатдан ўтишга рози бўлади. Instagram ижтимоий тармоғида профилга (аккаунтга) эга бўлган Иштирокчи унинг томонидан нашр этилаётган маълумотларга нисбатан ўз профилининг махфийлик соғломаларини бошқариш имконига эга бўлади (очик маълумотлардан ташқари).

6.4. Иштирокчи маълумотлар базасига исмини қўшишга рухсат этиш билан, Ташкилотчиларга ўзининг шахсий маълумотларини бериб, унинг томонидан тақдим этилган маълумотлар: э-маил, исми, алоқага киришиш учун телефон рақамига ишлов берилишига ўзининг розилигини билдиради.

## 7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Ташкилотчининг Иштирокчилар олдидаги жавобгарлиги Иштирокчи олиш ҳуқуқига эга бўлган мукофот билан чегараланади.

7.2. Ташкилотчи Танлов шартларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Ташкилотчи барча ўзгартиришлар ҳақида сайт ва/ёки ижтимоий тармоқларда хабарни эълон қилиш орқали алоҳида маълум қилади.

7.3. Ташкилотчи томонидан танлов матнида ёзилган қоидалар танловда иштирок этишнинг ягона расмий Қоидаси ҳисобланади. Ушбу қоидалар ва/ёки мазкур қоидалар билан тартибга солинмаган масалаларни ҳар хил талқин этилишига йўл қўйиладиган ҳолатлар юзага келган тақдирда талқин ва/ёки изоҳлаш тўғрисидаги якуний қарорни бевосита танлов Ташкилотчисининг ўзи қабул қилади.

7.4. Иштирокчининг тажовузкор хатти-ҳаракати (беадаб, қўпол ёки ҳақоратомуз сўзлар) кузатилса, Ташкилотчи фойдаланувчига ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришини номаълум муддатга уни олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда тақиқлаб қўйишга (қора рўйхатга киритиб қўйиш, блоклаш) ҳақлидир.

7.5. Ташкилотчи ўзининг шахсий хоҳишига кўра Иштирокчиларга сабабларини тушунтирмаган ва улар билан ёзишмаларга киришмаган ҳолда, агар Ташкилотчида муайян бир Иштирокчи маълумотларни сохталаштираётгани ёки автоматлаштирилган ҳаракатлар билан шуғулланиши ҳақида асосли шубҳа туғилган тақдирда, танлов Иштирокчиларининг

хар қандай ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб эътироф этиши, шу билан бирга, Иштирокчи ушбу Қоидалар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қоидаларини бузиб ҳаракат қилганида унинг келгусида танловда қатнашишини тақиқлаш ҳуқуқига эга.

7.6. Қоидаларда баён этилмаган вазиятларда Ташкилотчи ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилишга ҳақлидир.